

## VII. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2018 йилнинг 1 октябр ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) 11015 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 10778 тани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 97,9 % ни ташкил қилди.


Рўйхатдан ўтган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий улуши Навоий шаҳрида (29,7 %), Қизилтепа (11,1 %), Кармана (17,2%) ва Хатирчи (10,1 %) туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

### Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши (2018 йилнинг 1 октябр ҳолатига)

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан % да	бирлик	жамига нисбатан % да
<b>Навоий вилояти</b>	<b>11015</b>	<b>100,0</b>	<b>10778</b>	<b>100,0</b>
<i>шаҳарлар:</i>				
Навоий	3270	29,7	3165	29,4
Зарафшон	688	6,2	672	6,2
<i>туманлар:</i>				
Конимех	337	3,1	325	3,0
Қизилтепа	1221	11,1	1190	11,0
Навбахор	960	8,7	946	8,8
Кармана	1899	17,2	1876	17,4
Нурота	921	8,4	909	8,4
Томди	190	1,7	184	1,7
Учкудук	419	3,8	416	3,9

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан % да	бирлик	жамига нисбатан % да
Хатирчи	1110	10,1	1095	10,2

### Рўйхатдан ўтган субъектларнинг ҳудудлар бўйича улуши, (фоизда)




Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 19,7 %), саноат (16,0 %), қурилиш (9,1 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (11,3 %) соҳаларига тўғри келди.

**Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши  
(2018 йилнинг 1 октябр ҳолатига)**


	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан % да	бирлик	жамига нисбатан % да
<b>Жами</b>	<b>11015</b>	<b>100,0</b>	<b>10778</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1242	11,3	1226	11,4
саноат	1760	16,0	1731	16,1
қурилиш	1006	9,1	987	9,2
савдо	2174	19,7	2121	19,7
ташиш ва сақлаш	443	4,0	438	4,1
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	834	7,6	812	7,5
ахборот ва алоқа	158	1,4	153	1,4
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	225	2,0	223	2,1
бошқа турлари	3173	28,9	3087	28,5

### Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, (фоизда)



Корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонида фаолият кўрсатаётган субъектларнинг улуши 97,8 % ни, шу билан бирга жами корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 2,2 % ни ташкил этганлигини кўрсатмоқда ва бу кўрсаткич йил бошига нисбатан 0,6 % га камайган.

**Корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонida фаолият кўрсатаётганлар ва фаолиятсизларнинг улуши, (фоизда)**




2018 йил 1 октябр ҳолатига 8759 та тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан хусусий корхоналар – 3393 та, оилавий корхоналар – 657 та, масъулияти чекланган жамиятлар – 4468 та, акциядорлик жамиятлари – 21 тани ва 220 тани бошқа тижорат корхоналари ташкил этади.

**Фаолият кўрсатаётган юридик шахслар-хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий- ҳуқуқий шакллари бўйича тақсимланиши, бирликда**




2018 йилнинг январ-сентябр ҳолатига жами 1641 та янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 59,2 % кўпроқ бўлиб, янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми Навоий шаҳри (377 та), Кармана (248 та), Нурота (181 та), Хатирчи (171 та) туманларига тўғри келади. Энг кам эса Томди (32 та), Конимех (61 та), Учқудук (87 та) туманларига тўғри келади.

**Ҳудудлар бўйича янги ташкил этилган корхоналар  
ва ташкилотларнинг сони, бирликда**



Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг улуши савдода 14,4 %, саноатда 17,8 %, қурилишда 11,5 % ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 16,9 % ни ташкил этди.



2018 йил 1 октябр ҳолатига вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони 8684 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич 2017 йил шу даврига нисбатан 16,6 % га ошган.

Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми, яъни 2665 таси (жами субъектларнинг 30,7 %) Навоий шаҳри, 1622 таси (18,7 %) Кармана, 960 таси (11,1 %) Қизилтепа, 778 таси (9,0 %) Хатирчи ҳамда 757 таси (8,7 %) Навбахор туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

Энг кам фаолият кўрсатаётганлар эса 110 таси (1,3 %) Томди, 202 таси (2,3 %) Конимех, 305 таси (3,5 %) Учқудуқ туманлари ҳиссаларига тўғри келади.


**Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг  
худудлар бўйича сони**

	2017 йил 1 октябр ҳолатига		2018 йил 1 октябр ҳолатига	
	бирлик	жамига нисбатан % да	бирлик	жамига нисбатан % да
<b>Навоий вилояти</b>	<b>7450</b>	<b>100,0</b>	<b>8684</b>	<b>100,0</b>
<i>шаҳарлар:</i>				
Навоий	2370	31,8	2665	30,7
Зарафшон	426	5,7	557	6,4
<i>туманлар:</i>				
Конимех	154	2,1	202	2,3
Қизилтепа	867	11,6	960	11,1
Навбаҳор	649	8,7	757	8,7
Кармана	1439	19,4	1622	18,6
Нурота	558	7,5	728	8,4
Томди	89	1,2	110	1,3
Учкудук	233	3,1	305	3,5
Хатирчи	665	8,9	778	9,0

Фаолият кўрсатаётган жами 8684 та кичик тадбиркорлик субъектларининг 2111 таси (24,3 %) – савдода, 1706 таси (19,6 %) - саноатда, 1183 таси (13,6 %) - қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 985 таси (11,3 %) - қурилишда, 812 таси (9,4 %) - яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида, 425 таси (4,9 %) - ташиш ва сақлашда, 164 таси (1,9 %) - соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, 142 таси (1,6 %) - ахборот ва алоқа соҳасида, шунингдек 1156 таси (13,4%) - бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келди.



**Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг  
иктисодий фаолият турлари бўйича улуши, (фоизда)**




2018 йилнинг 1 октябр ҳолатига Зарафшон шаҳрида жами рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларининг умумий сонида фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 2,1 % ни (12 та), Навбахор туманида эса рўйхатдан ўтганларнинг жами сонида 1,3 % ни (10 та), Учқудуқ 1,0 % ни (3 та) ва Томди тумани 4,3 % ни (5 та) ташкил қилган.

Ҳисобот даврида 365 та кичик тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 96 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 26,3 %) ихтиёрий тугатиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

**Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар.** 2018 йил 1 октябр ҳолатига фаолият кўрсатаётган хориж капитали иштирокидаги корхоналар сони 90 тани ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 29 тага ёки 47,5 % га ўсган. Шунингдек, хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналардан 58 таси қўшма корхоналар, 32 таси эса хорижий корхоналар ҳисобланади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар таркибида қўшма корхоналар ва хорижий корхоналарнинг сони, бирликда**



Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Навоий шаҳри 34 та (37,8 %) ва Кармана 22 та (24,4 %) тумани ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам хорижий капитал иштирокида ташкил этилган корхоналар Томди 1 та (1,1 %), Учқудуқ 2 та (2,2 %), Конимех 2 та (2,2 %), Хатирчи 3 та (3,3 %) туманлари ва Зарафшон шаҳри 4 та (4,4 %) га тўғри келди.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг ҳудудлар бўйича сони ва улуши (2018 йилнинг 1 октябр ҳолатига)**

	бирлик	Жамига нисбатан % да
<b>Навоий вилояти</b>	<b>90</b>	<b>100,0</b>
<i>шаҳарлар:</i>		
Навоий	34	37,8
Зарафшон	4	4,5
<i>туманлар:</i>		
Конимех	2	2,2

	<i>бирлик</i>	<i>Жамига нисбатан % да</i>
Қизилтепа	7	7,8
Навбахор	6	6,7
Кармана	22	24,4
Нурота	9	10,0
Томди	1	1,1
Учкудук	2	2,2
Хатирчи	3	3,3

Фаолият кўрсатаётган 90 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича олиб қарайдиган бўлсак, 54 таси (60,0 %) саноат, 7 таси (7,8 %) савдо, 13 таси (14,4 %) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 3 таси (3,3 %) ташиш ва сақлаш, 1 таси (1,1 %) қурилишда, 4 таси (4,4 %) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 8 таси (9,0 %) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони ва улуши**  
(2018 йилнинг 1 октябр ҳолатига)

	<i>бирлик</i>	<i>Жамига нисбатан % да</i>
<b>Жами</b>	<b>90</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>		
Саноат	54	60,0
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	13	14,4
қурилиш	1	1,1
савдо	7	7,8
ташиш ва сақлаш	3	3,3
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	4	4,4
бошқа турлари	8	9,0

2018 йилнинг январ-сентябр ойида хорижий капитал иштирокидаги рўйхатдан ўтган янги корхоналарнинг сони 29 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 27 тага кўпайган.

Бунда, Россия Федерацияси резидентлари капитали иштирокида – 6 та, Хитой Халқ Республикаси - 7 та, Эрон Ислом Республикаси 2-та ва Корея Республикаси – 4 та, Афғонистон - 2 та, Болгария Республикаси - 1 та, Гретсия Республикаси - 1 та, Ҳиндистон Республикаси - 1 та, Нидерландия - 1 та, Бирлашган Араб Амирлиги - 1 та, Туркия - 1 та, Украина - 1та, Япония – 1 та янги корхоналар рўйхатдан ўтган.

29 та янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Навоий (12 та) ва Зарафшон (2 та) шаҳарларида, Қизилтепа (3 та) Кармана тумани (2 та), Конимех (1 та) ва Навбаҳор (2 та), Нурота (4 та) ҳамда Томди (1 та), Учқудук (1 та), Хатирчи (1та) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг  
ҳудудлар кесимидаги сони ва улуши**

	<i>бирлик</i>	<i>Жамига нисбатан % да</i>
<b>Навоий вилояти</b>	<b>29</b>	<b>100,0</b>
<i>шаҳарлар:</i>		
Навоий	12	41,5
Зарафшон	2	6,9
<i>туманлар:</i>		
Конимех	1	3,4
Қизилтепа	3	10,4
Навбаҳор	2	6,9
Кармана	2	6,9
Нурота	4	13,8
Томди	1	3,4
Учқудук	1	3,4
Хатирчи	1	3,4

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрадиган бўлсак, асосан саноатда 13 та,

қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 7 та, савдода 3 та, Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 2 та ва бошқа фаолият турларида 4 та ташкил этилган.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда**



2018 йил 1 октябр ҳолатига 2 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналар фаолият кўрсатмаётган корхоналар ҳисобланиб, шундан Навоий шаҳри (1 та), Томди тумани (1 та) ҳиссасига тўғри келди.

**Оилавий корхоналар.** Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони - 2018 йил 1 октябр ҳолатига 674 тани ташкил этиб, улардан 657 таси ёки 97,5 % фаолият юритмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан давлат рўйхатидан ўтганларнинг ҳамда фаолият кўрсатаётганларнинг умумий сонига нисбатан ўртача 38,0 % га ошганлигини таъкидлаш лозим.

**Оилавий корхоналар сонининг ўсиш динамикаси, бирликда**

